

**ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАРИ ИЖОДИЙ УЮШМАСИ ВА  
ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТИКА ВА ОММАВИЙ КОММУНИКАЦИЯЛАР  
УНИВЕРСИТЕТИ БОСМА ОАВ ВА НОШИРЛИК ИШИ ФАКУЛЬТЕТИ  
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ КАФЕДРАСИНИНГ  
АХБОРОТ ХАТИ**

“Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш” йили ва Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганлигининг 31 йиллиги муносабати билан Сизни ЎзЖОКУ Босма ОАВ ва ноширлик иши факультети “Ўзбек тили ва адабиёти” кафедраси томонидан 2020 йил 29 апрель куни соат 11.00 да Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетида ўтказиладиган “Медиалингвистика: назария ва амалиёти” мавзусидаги республика миқёсидаги илмий-амалий конференцияга таклиф этамиз. Анжуманд қатнашиш истагини билдирганлар ташкилий гурухга ўз илмий мақолаларини топширишлари лозим.

***Конференция қўйидаги шўйбалар бўйича илмий мақолалар қабул қиласди:***

- ✓ Медиалингвистиканинг назарияси ва амалиёти;
- ✓ Онлайн журналистикаси: тил, услуг муаммолари;
- ✓ Матбуот материаллари таҳлили ва таҳрири;
- ✓ Аудиовизуал журналистикада медиалингвистика масалалари;
- ✓ PR: маҳорат масалалари.

Конференцияга тақдим этилаётган мақолалар қўйидаги тартибда тайёрланиши лозим: матн ҳажми камида – 4-5 бет, формат – Microsoft Word, шрифт – Times New Roman, матн майдони – юқори ва пастдан 2 см, чапдан 3 см, ўнгдан - 1,5 см, қаторлар оралиғи – 1 интервал, ҳарфлар 14 шрифтда. Юқоридан бош ҳарфлар билан мақола мавзуси ёзилади, бир интервалдан сўнг муаллифнинг исми шарифи, ОТМ, факультети, лавозим тўлиқ ёзилади, бир интервал ташланиб матн берилади. Мақолаларни чоп этишга кетадиган типографик ҳаражатлар ҳисобга олинниб, 1 бет учун тўлов миқдори 10 000 сўм белгиланди. (Талабалар учун бепул.) Профессор-ўқитувчилар томонидан тақдим этиладиган мақолалар ўзларининг имзолари билан, бакалавр ёки магистрантлар томонидан тақдим этиладиган мақолалар илмий раҳбари ёки факультет илмий ишлар бўйича декан ўринбосарининг имзоси билан тақдим этилади. Конференция ташкилий қўмитаси юқоридаги талабларга тўлиқ жавоб берган маъруза матнларни тўплам шаклида нашрдан чиқаришни ўз зиммасига олади ва конференция куни барча иштирокчиларга эълон қилинади. Мақолалар конференция йўналишига оид долзарб масалалар, илмий таҳлил ва тугалланган фикрлар асосида тегишли таклиф ва тавсиялар берилган ҳолда топширилиши лозим. Ташкилотчилар мақолаларни саралаш ва таҳрир қилиш ҳуқуқига эга.

Мақолалар ўзбек ва рус тилларида **2020 йил 1 апрелга** қадар электрон ва қоғоз вариантида қўйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани Марказ 5, 88 уй, Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети, 1-қават, 203-хона. “Медиалингвистика” кафедраси. Электрон манзил: [Medialingvistika@mail.ru](mailto:Medialingvistika@mail.ru).

**Мурожаат учун телефон рақам: Л.И.Тошмуҳамедова +99899 8526448,  
+99890 9919585**